

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛИЕВ ИЛҲОМЖОН СОБИРОВИЧ

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Солиев Илхомжон Собирович

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот
компетентлигини ривожлантириш 3

Солиев Илхомжон Собирович

Развитие информационной компетентности у будущих учителей
начальных классов..... 21

Soliyev Ixomjon Sobirovich

Development of information competence of future primary school teachers
..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛИЕВ ИЛХОМЖОН СОБИРОВИЧ

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1397 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали – www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Холбой
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «28» 12 соат 11 дақиқа даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1390 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

**Х.Джурасв**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д. профессор

Р.Е.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, пед.ф. номзоди

Х.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф. доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим XXI асрнинг барқарор тараққиётини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ўқитувчиларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг кратив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. Корея республикасида ўтказилган халқаро таълим форумида 2030 йилгача белгиланган концепцияда “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш”¹ истиқболлари, инновацион ёндашув асосида талабаларни ахборот компетентлигини ривожлантириш, ижодий тафаккур, креативлик ва ахборот кўникмаларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириб, бўлажак мутахассисларни ахборот компетентлигини ривожлантириш тизимининг ўқув-методик таъминотини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак кадрлар ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини халқаро талаблар асосида янгилаб бориш, талабалар ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг психологик-педагогик омилларини аниқлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ахборот олиш кўникмаларини ривожлантиришнинг ўқув-методик ресурсларини яратиш, инновацион ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини компетентлигини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш ва ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий таълим технологияларини қўллашга эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, илмий салоҳияти ҳамда илм-фан ва инновацияни ривожлантириш таълимга рақамли технологияларни киритишнинг меъёрий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”² устувор вазифалари этиб белгиланди. Натижада, ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали, ахборот компетентлигига эга педагог кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 13 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea.

² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон фармони. 2017 йил 7 февраль.

баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бўлажак ўқитувчиларини ахборот компетентлигини ривожлантириш масалалари А.Абдуқодиров, Р.Боқиев, У.Бегимқулов, С.С.Ғуломов, Ф.М.Закирова, Н.А.Каюмова, М.Х.Лутфиллаев, М.Э.Мамаражабов, Н.И.Тайлоқов, Д.Тоштемиров, С.Қ.Турсунов, А.Ҳайитов, У.Юлдашевларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Таълим жараёнининг турли босқичларида ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича турли даврларда Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабаев, Н.Н.Азизходжаева, У.И.Иноятлов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Химматалиев, Б.А.Назарова, Б.С.Нуридиновлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари О.М.Бобиенко, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, А.К.Маркова, А.П.Тряпицин, Б.И.Хасан, И.Д.Фруммин, А.В.Хуторская ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хорижий давлатларда француз педагог-психологлари В.К.Атростик, S.V.Nguyen, E.Brynjolfsson, A.Mcafee, D.H.Autor, D.Dorn, C.B.Frey, M.A.Osborne, L.E.Varshavskii ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалаларига оид тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиа дари ишланмалари мажмуасини яратиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот компетентлигини

ривожлантиришнинг педагогик, психологик имкониятларини таҳлил қилиш;
бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичларини аниқлаш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ахборот компетентликни ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг ривожлантириш мезонлари, даражалари, кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, унда Тошкент педагогика давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши” таълим йўналиши талабаларидан 500 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг компонентлари (ахборот-қидирув, ахборот-аналитик, ахборот-коммуникатив, ахборот-рефлексив, ахборот-технологик, ахборот-функционал, ахборот-касбий) интерактив, синхрон ва асинхрон мультимедиа воситалари орқали такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичлари (мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолият, натижавий-рефлексив) педагогик имкониятлар (таълим ва ривожланишнинг траекторияси, ўқув материаллари банкини яратиш, билиш фаолиятини самарали ташкил этиш) орқали аниқлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели праксиологик ёндашув орқали такомиллаштирилган;

баҳолаш портфолио технологиялари (диагностик, мотивацион, ривожлантириш, коррекциялаш) асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш мезонлари (технологик, рефлексив), даражалари (интуитив, норматив, ижодий), кўрсаткичлари аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг компонентлари (ахборот-қидирув, ахборот-аналитик, ахборот-коммуникатив,

ахборот-рефлексив, ахборот-технологик, ахборот-функционал, ахборот-касбий) такомиллаштирилган;

“Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” дарслиги нашр этилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш мезонлари (технологик, рефлексив), даражалари (интуитив, норматив, ижодий), кўрсаткичлари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот компетентлигини ривожлантириш методикаси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жихатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг компонентлари (ахборот-қидирув, ахборот-аналитик, ахборот-коммуникатив, ахборот-рефлексив, ахборот-технологик, ахборот-функционал, ахборот-касбий), ривожлантириш босқичлари (мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолият, натижавий-рефлексив), тизимли-функционал модели такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак бошланғич ўқитувчининг ахборот компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминоти, ривожлантириш мезонлари (технологик, рефлексив), даражалари (интуитив, норматив, ижодий), кўрсаткичларидан бошланғич таълим йўналиши давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим жараёнида ахборот компетентлигини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

интерактив, синхрон ва асинхрон мультимедиа воситалари орқали такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг компонентлари (ахборот-қидирув, ахборот-аналитик, ахборот-коммуникатив, ахборот-рефлексив, ахборот-технологик, ахборот-функционал, ахборот-касбий)га оид таклиф ва хулосалардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 89-03-2212-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф

Ўқитувчиларининг ахборот компетентлиги ривожланиши аниқланган; педагогик имкониятлар (таълим ва ривожланишнинг траекторияси, ўқув материаллари банкини яратиш, билиш фаолиятини самарали ташкил этиш) орқали аниқлаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичлари (мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолият, натижавий-рефлексив)га оид таклиф ва хулосалардан “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” номли дарсликни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-141 рақамли гувоҳнома). Натижада, мазкур босқичлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг билим салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

праксиологик ёндашув орқали такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделига оид таклиф ва хулосалардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги № 89-03-2212-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш самарадорлигига эришилган;

баҳолаш портфолио технологиялари (диагностик, мотивацион, ривожлантириш, коррекциялаш) асосида аниқлаштирилган бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш мезонлари (технологик, рефлексив), даражалари (интуитив, норматив, ижодий), кўрсаткичларига оид таклиф ва хулосалардан “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” номли дарсликни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-141 рақамли гувоҳнома). Натижада, бу таклифлар “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши” таълим йўналиши талабаларининг ахборот компетентлигининг ўсиш динамикаси ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 илмий-услубий иш, жумладан, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот ишлари шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда педагогик қарашлар ривожда “ахборот компетентлиги” тушунчасининг ёритилиши, олий таълим муассасалари талабаларида ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги ва ҳозирги ҳолати асослаб берилган.

Олий таълим муассасалари хусусиятларидан келиб чиқиб, педагогика фанини ўқитишда талабаларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ҳолати ўрганилиши ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиши ҳамда уларга аниқликлар киритишни тақозо этди. Шунингдек, хорижий давлатлар олий таълим тизимида эришилган натижалар билан мамлакатимиз олий таълим тизимидаги ютуқлар ва камчиликларни қиёслашда бир қатор ютуқ ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёни, унинг ўқув-услугий таъминоти ва ташкилий тузилмалари билан боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги кўринди.

Ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг фалсафий, психологик, педагогик талқинлари, Шарқ мутафаккирларининг устоз ва шогирдлик касб сирларини эгаллаш борасидаги қарашлари, хорижий мамлакат тадқиқотчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантиришга доир тадқиқот ишлари таҳлилида касбий муаммолар ечими хусусида фикр юритилган, “ахборот компетентлиги” тушунчаси, тузилиши ва тизими муаммолари ечимига назарий ёндашув илмий асосланган, ахборот компетентлигининг ривожлантириш мезонлари ишлаб чиқилган.

Ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг мақсад ва мазмунини аниқлаш, замонавий педагог шахсини шакллантириш, уларни олий таълим муассасаларида тайёрлаш муаммолари мониторингини олиб бориш ҳамда ахборот компетентлигини эгаллаш сифатини баҳолаш учун оғзаки савол-жавоб, ёзма назорат иши, тест топшириқларини ишлаб чиқишни талаб этди. Бунда турли шаклдаги топшириқларни тузиш технологиялари, муаммоли ўқитиш шакллари, интерфаол методлардан фойдаланилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Компетентлик – бу «инсон томонидан тегишли компетенцияга эгалик

бўлиб, унинг предметли фаолиятига шахсий муносабатини ўз ичига олади». Бу унинг шаклланган шахсий хусусияти бўлиб, мазкур соҳада фаолиятига муносабатда қўлланиладиган тажрибасидир.

«Ахборот компетентлик» – ўз ишини эълон қилиш ва competens – муносиблик, қобилият маъноларини англатади. Ахборот компетентлиги келгусида ёки ахборот-касбий соҳада самарали меҳнат қилиш учун талаб этиладиган маълум бир меҳнат фаолияти вазифаларини бажариш учун инсоннинг қобилият ва малакаларга эгаллиги назарда тутилади. Бир қатор ҳолатларда ахборот компетентлик инсоннинг профессионализи, профессионал ахлоқ, ахборот олиш одоб, ахборот олиш маданиятнинг юқори даражаси сифатида қаралади.

Ахборот компетентлиги кўрсаткичлари объектив равишда зарур билим ва кўникмаларнинг умумий тўплами бўлиб, уларнинг функцияларини бажаришда тасарруф этиш қобилияти тушунилади. Муайян ҳаракатларнинг мумкин бўлган оқибатларини билиш, амалий тажриба, инсоният меҳнатининг натижаси, услубнинг мослашувчанлиги, танқидий фикрлаш, шунингдек, профессионал лавозимлар, индивидуал психологик хусусиятлар ва акмеологик инвариантлар ҳам назарда тутилган.

Шахснинг ахборот компетентлиги жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ахборотнинг экспоненциал ўсиши жамиятга таъсир кўрсатиб, уни ахборотлашувига олиб келади. Барча техника юқори автоматлаштирилган ахборот муҳитини яратишни таъминлайди ва у назарий жиҳатдан ихтиёрий билимга ихтиёрий вақтда, ихтиёрий жойда киритиш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида компетентлик қуйидаги сифатларга ажратилган (1-расмга қаранг):



1-расм. Компетентлик сифатлари

Махсус компетентлик малакани касбий фаолият кўникмаларини етарлича юқори даражада эгаллаш, уларнинг кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштириш қобилияти;


ижтимоий компетентлик – уюшма (гуруҳ, жамоа) касбий фаолиятига, ҳамкорликка, шунингдек, касбда қабул қилинган профессионал мулоқот усулларига эга бўлиш; уларнинг касбий фаолияти натижалари бўйича ижтимоий масъулият;

шахсий компетентлик шахсий ўзини намоён этиш ва ўз-ўзини ривожлантириш техникаси, профессионал шахснинг деформацияларга қарши туриш воситалари;

индивидуал компетентлик – касб доирасида ўзини-ўзи англаш ва шахсий ривожланиш усулларини ўзлаштириш, касбий ўсишга тайёр бўлиш, шахсий ўзини ҳимоя қилиш қобилиятидир.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот компетентлигини таъминлашда муҳим босқичлар талабаларнинг умумий ва ахборот компетентлиги билан бирга, педагогик кўникмалар билан қуроллантириш методлари, ижодкорона уюштирилган машғулотларда назарий ва амалий билимларнинг уйғунлиги, уларда ахборот компетентлигини ривожлантиришга имкон берувчи мезонлар аниқлаштиришга имкон беради.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бошланғич синф ўқитувчиларининг эгаллаши зарур бўлган ахборот компетентлигининг мажмуини қуйидагича изоҳлаш мумкин (2-расмга қаранг):



2-расм. Ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг мажмуи

Таъкидлаш жоизки, зикр этилган ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг мажмуи бошланғич синф ўқитувчиларининг амалий фаолиятида зарур бўлган барча кўникмаларни камраб олмаган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг компонентлари (ахборот-қидирув, ахборот-аналитик, ахборот-коммуникатив, ахборот-рефлексив, ахборот-технологик, ахборот-функционал, ахборот-касбий) интерактив, синхрон ва асинхрон мультимедиа воситалари орқали такомиллаштирилган (1-жадвалга қаранг):

**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг
компонентлари**

№	Ахборот компетентлигининг компонентлари	Ахборот компетентлигининг манбалари	Ижтимоий аҳамияти	Шахсий аҳамияти
1.	ахборот-қидирув	Қўлланмалар, энциклопедия, Интернет	Қарорлари, фармойишлари , фармойишлари , ва меъёрий хужжатларни тузиш	Янги билим олиш
2.	ахборот-аналитик	Ўқув адабиётлари, ОАВ, Интернет	Таълим муассасаларини ўрганиш	Ҳар қандай ҳаракатларни, вазиятларни таҳлил қилиш қобилияти
3.	ахборот-коммуникатив	Телефон, мобил телефонлари, электрон почта	Кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳат бериш, низоли вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш	Одамлар билан мулоқот
4.	ахборот-рефлексив	Тест, сўровномалар	Зарур ташкилий-техник тадбирларни ўтказиш, тест ва сўровлар ўтказиш	Олинган ёки мавжуд билимларни ҳаётий вазиятларда қўллаш
5.	ахборот-технологик	Телефон, мобил телефонлари, электрон почта	Компьютерда ишлаш	Компьютер саводхонлигига эришиш
6.	ахборот-функционал	Қўлланмалар, энциклопедия, Интернет	Компьютерда ишлаш	Компьютер саводхонлигига эришиш
7.	ахборот-касбий	Ўқув адабиётлари, ОАВ, Интернет	Малакани ошириш	Ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичлари (мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолият, натижавий-рефлексив) педагогик имкониятлар (таълим ва ривожланишнинг траекторияси, ўқув материаллари банкни яратиш, билиш фаолиятини самарали ташкил этиш) орқали аниқлаштирилган (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичлари

№	Ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичлари	Ахборот компетентлигини ривожлантириш босқичларининг мазмуни	Педагогик имкониятлар
1.	мотивацион-мақсадли	бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини компьютер технологияларига ўқитиш, ўз ўқув-касбий фаолиятида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва заруриятини англаб етиши лозим	таълим ва ривожланишнинг траекторияси
2.	мазмунли-фаолият	талабалар фаолиятида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг касбий одатларини ривожлантиришни талаб қилади	ўқув материаллари банкни яратиш
3.	натижавий-рефлексив	юқори сифатли маҳоратнинг шаклланишидаги компьютер технологиялари динамикаси кузатилади: паст даражадан юқори даражада ахборот компетентлигининг ҳаракати	билиш фаолиятини самарали ташкил этиш

Тадқиқот ишининг айна шу тамойил асосида назарий ва амалий жиҳатдан уюштирилиши биз кўзлаган мақсадга мос келади. Мазкур меъёр талабаларнинг ахборот компетентлигини ақлий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириши учун қийинчилик туғдирмайди ва педагогик фаолиятини муваффақиятли олиб бориш учун хизмат қилади. Шу боис, мазкур меъёрни талабага унинг олий таълимдан сўнг педагогик фаолиятини самарали юритиш учун асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ривожланган ахборот компетентлиги педагог фаолиятида кейинчалик янги кўникмаларни ўзлаштиришга асос бўлади ва ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг потенциал имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида талабалар мотивацион соҳаси ва кадриятлари эмпирик ўрганилган, олий таълим муассасалари талабалари ахборот компетентлигининг педагогик хусусиятлари очиб берилган, олий таълим муассасалари талабаларида ахборот компетентлигининг ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган.


Ўқитувчининг ахборот компетентлиги талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг асоси сифатида хизмат қилади ва биз томонимиздан билим, кўникмалар ва ахборот фаолияти турли кўринишларини самарали амалга ошириш ҳамда касбий таълимий фаолиятда янги ахборот технологияларидан фойдаланишга кадриятли муносабатлар мажмуини акс эттирувчи, педагогнинг касбий-шахсий сифати тариқасида тушунилади.

“Ўқитувчининг ахборот компетентлиги” касбий дунёқараш ва мустақил таълимни кенгайтириш мақсадида, ахборот фаолиятининг турли кўринишларини бажариш билан боғлиқ кўникмаларни киритиши ҳамда мавжуд маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш, янги билимни ҳосил қилиш, уни касбий ҳамжамиятга етказиш билан боғлиқ. Бўлажак бошланғич ўқитувчининг ахборот компетентлиги ижодий жараён эканлиги, ностандарт, кўзда тутилмаган турли вазиятларда тезкор фикр юритиб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва мос хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этиши изоҳланди.

Олий таълим тизимида таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири, таълим жараёнида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш фаолияти учун қулай шароит яратишдан иборат. Бундай вазиятларда, талабаларнинг ахборот компетентлиги тўла намоён бўлади, улар ижтимоий вазифаларни ўзлаштирадilar, бунинг натижасида эса, таълим жараёнида самарали педагогик муҳит вужудга келади.

Баҳолаш портфолио технологиялари (диагностик, мотивацион, ривожлантириш, коррекциялаш) асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш мезонлари (информацион, технологик, рефлексив), даражалари (интуитив, норматив, ижодий) кўрсаткичлари аниқлаштирилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели праксеологик ёндашув орқали такомиллаштирилган (3-расмга қаранг). Тизимли-функционал моделни таҳлил қилишга праксеологик ёндашув унинг функционалиги, самарадорлиги, қониқарли бўлмаган ҳаракатлар ва операцияларни аниқлаш, самарасизлик сабабларини тушунтириш, имкониятлар, салоҳият ва фойдаланилмаган захираларни ўрганиш, фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан тушунишни англатади.



3-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот компетентлигини ривожлантириш модели

“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иши” таълим йўналиши талабаларининг мазкур жараёнда “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” ўқув фанининг шакл, метод ва воситалари ҳамда ушбу фаннинг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигини ривожлантириш фаолиятидаги ўрнини аниқлаш методикаси асосланди.

“Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” (ЎзРОЎМТВнинг 2020 йил 14 августда тасдиқланган) ва “Таълимда ахборот технологиялари” (ЎзРОЎМТВнинг 2017 йил 18 августда тасдиқланган) фанларининг ўртасидаги фарқловчи жиҳатлари:

берилган мавзуларнинг мураккаблиги (таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда);

“Бошланғич таълимда ахборот технологиялари” (БСАТ) ва “Таълимда ахборот технологиялари” (ТАТ) фанларига ажратилган соатлар ҳажми (БСАТ фанида маъруза – 46 соат, амалий машғулот – 60 соат, ТАТ фанида маъруза – 36 соат, амалий машғулот – 36 соат, лаборатория машғулотлари – 32 соат);

“Бошланғич таълимда ахборот технологиялари” фани “Таълимда ахборот технологиялари” фанига асосланганлиги.

Бошланғич синфлар фанларини таҳлили натижасида “Ўқиш” фанида 3 соат (1-синф “Компьютер” – 1 соат, 2-синфда “Менинг дўстим компюша” – 1 соат, 3-синфда “Қорбобога электрон мактуб” – 1 соат), “Тарбия” фанида 3 соат (1-синфда “Телефондан фойдаланиш қодалари” – 2 соат, 3-синфда “Электрон ахборотлар” – 1 соат) ҳажмда ахборот компетенция мазмунида мавзулар ажратилгани маълум бўлди.

Дастлабки тажриба натижаларида олий таълим муассасаларининг бошланғич таълим йўналиши бўйича тахсил олаётган талабаларда ахборот компетентлигининг паст даражада шаклланганлиги аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Педагогик тажриба-синов ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланиб, унда педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш усуллари ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили ёритилиб, талабаларда ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар берилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий ишлар” таълим йўналишларида олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари энг юқори, юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича баҳоланди.

Ахборот компетентлигини талабаларга муаян тизим асосида ривожлантириш дейилганда, мақсадга эришишни таъминловчи метод ва усулларнинг яхлит ва ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда қулай жойлашининг самарали йўли деб тушунилади. Бўлажак педагогларнинг ахборот компетентлигини эгаллашга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида, соҳа мутахассислари: услубчилар, тарбиячи-педагоглар, ўқитувчи-

профессорлар билан индивидуал ва жамоавий суҳбатлар уюштириб, сўровномалар ўтказилди.

БТ ва СТИ йўналиш талабаларининг ўқув материални эгаллашлари даражасини аниқлаш учун экспериментал ўқитишнинг якунланиши бўйича уларга тугалланмаган гаплар методикасига асосланган назорат иши таклиф этилди. Ҳар бир топшириқни бажариш топшириққа кўра 0 дан 2 баллгача (0 балл – жавоб йўқ, 1 балл – жавоб нотўлиқ, 2 балл – жавоб тўлиқ) ёки 0 дан 3 баллгача (0 балл – жавоб йўқ, 1 балл – жавоб нотўлиқ, 2 балл – жавоб етарлича тўлиқ эмас, 3 балл – жавоб тўлиқ) маълум балл билан баҳоланди. Ўқув материални эгаллашнинг муваффақиятлилиги кўрсаткичи бўлиб K ўзлаштириш коэффициентини хизмат қилади:

$$K = \frac{C_1}{C_2}$$

бунда C_1 – жавоблар учун балларнинг якуний йиғиндиси; C_2 – назорат иши бўйича балларнинг максимал мумкин бўлган йиғиндиси.

Коэффициентнинг қиймати $0 \leq K \leq 1$ оралиғида жойлашган. Ўз навбатида C_1 қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_1 = \sum_{i=1}^n C_i$$

n – назорат ишидаги топшириқлар миқдори. Қониқарли билим ва кўникмаларни қониқарсизларидан ажратувчи ўзлаштириш коэффициентининг критик катталиги сифатида 0,7 ни ҳисоблаш мумкин.

Ўзлаштириш коэффициентини (K) баҳога ўтказиш схемаси бўйича талабалар билимларининг даражаси қуйидаги тарзда баҳоланади: бунда $0,9 \leq K \leq 1$ – «аъло», $0,8 \leq K < 0,9$ – «яхши», $0,7 \leq K < 0,8$ – «қониқарли», $K < 0,7$ – «қониқарсиз». Бунинг асосида талабалар билимларининг шаклланганлиги даражасини аниқлаш мумкин:

$0,7 \leq K < 0,8$ – паст даража;


$0,8 \leq K < 0,9$ – ўрта даража;

$0,9 \leq K \leq 1$ – юқори даража.


Нazorat ишларини текшириш натижалари қуйидагича: паст даража – 12%, ўрта даража – 52%, юқори даража – 36%.

Демак, олинган натижаларнинг математик ҳисоб-китобига кўра тажриба ва тажриба гуруҳларидани ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлиги исботланди (4-расмга қаранг):

Самарадорлик коэффициенти 1,13 баробарда 1,16 баробарга юқори ва статистик қиймат $T > T_{\text{крит}} = 1,97$ бўлгани учун X_1 гипотезани инкор этишга асос йўқ. Бошқача айтганда, тажриба гуруҳларидаги билим даражаларига нисбатан 15 фоиз юқори эканлиги исботланди. Ҳар бир босқичдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги графикда ўз аксини топди (5-расмга қаранг):



4-расм. Ҳисобларнинг самарадорлик кўрсаткичлари



5-расм. Ҳисобларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи

Шу тариқа, тажриба-синов ишлари талабаларда ахборот компетентликни ривожлантиришга йўналтиришга ишлаб чиқилган методик таъминотни “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши жараёнига жорий этиш бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг муваффақиятли шаклланишининг зарурий шarti ҳисобланишини кўрсатди. Олинган маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш натижасида маълум бўлдики, олий таълим муассасаларининг амалиётига киритилган дидактик тизим талабаларда ахборот компетентлигининг ривожланиши ўз исботини тўлиқ топганлиги тасдиқланди.

ХУЛОСА

1. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган таълимни ахборотлаштириш шароитларида бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлашга замонавий талаблар ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлигининг шаклланиши мақсадга йўналтирилган жараёнига ишлаб чиқилган ёндашувларнинг мавжудлиги ўртасидаги зиддиятлар юзага келиши аниқланди.

2. Педагогнинг шахсий-касбий хусусияти сифатида, ўзида бошланғич синфларда таълим жараёнида янги ахборот технологияларининг турли кўринишларини самарали амалга ошириш ва касбий таълимий фаолиятда янги ахборот технологияларидан фойдаланишга соҳасида билим, малака ва қадриятли муносабатларни мажмуини ифодаловчи «бошланғич синф ўқитувчисининг махсус ахборот компетентлиги» тушунчасининг педагогик моҳияти белгиланди.

3. Бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот компетентлигини икки блокларнинг умумийлиги кўринишида структуравий ифодаланиши “таянч” компонентлари блоки ва “махсус” компонентлари блоки бўйича асосланган.

4. Педагогнинг шахсий-касбий хусусияти сифатида, ўзида бошланғич синфларда таълим жараёнида янги ахборот технологияларини самарали қўллаш соҳасида билим, малака ва қадриятли муносабатлар мажмуини ифодаловчи «бошланғич синф ўқитувчисининг махсус ахборот компетентлиги» тушунчаси киритилган.

5. Ўқитувчи ахборот компетентлиги таянч компонентларини ўқитувчининг танланадиган ахборот компетентлиги таянч компонентининг умумтаълим мактаби битирувчиси ахборот компетентлигининг компонентиға мослиги ва уни касбий педагогик фаолият мазмунида кўриб чиқиш сифатида танлаш мезонлари аниқланди. Бошланғич синф ўқитувчиси махсус ахборот компетентлиги компонентларини компетентликнинг ҳар бир танланадиган компонентнинг педагогик фаолият у ёки бу компонентига мослиги, гностик, лойиҳалаш, конструктив, ташкилий, коммуникатив жиҳатдан танлаш мезони кўрсатилди.

6. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлиги таянч компонентларининг ривожланиши ОТМ мавжуд таълим жараёни доирасида қониқарли амалга оширилиши тажриба-синовда аниқланди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси махсус ахборот компетентлигининг шаклланишига йўналтирилган “Бошланғич синф ўқув жараёнида янги ахборот технологиялари” махсус ўқув курси тузилиши ва мазмуни ишлаб чиқилди. Тажриба-синовнинг турли босқичларини ўтказишда, анкета сўрови, тест ва талабаларнинг ёзма ишларини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилишга асосланган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ахборот компетентлиги шаклланишига даражалари диагностикаси аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

СОЛИЕВ ИЛХОМЖОН СОБИРОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.PhD/Ped1397.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdpu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Исакулова Нилуфар Жанникуловна доктор педагогических наук, профессор
	Ибрагимов Холбой доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «09» 12 2020 года в 11 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 1290). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (71) 246-90-38; (71) 246-90-39; факс: (71) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан « » 2020 года.
(реестр протокола рассылки № от 2020 года).


Р.Х.Джураев
Член Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор


Р.Г.Неянов
Учредитель Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н.


А.Х.Махмудов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н.



Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Образование в мире признано главным фактором обеспечения устойчивого развития XXI века, в образовательный процесс внедряются креативные технологии развития информационной компетентности педагогов. В концепции, представленной на международном образовательном форуме в Республике Корея рассматриваются перспективы “Создания возможностей для получения качественного образования на протяжении всей жизни”, на период до 2030 года и на основе инновационного подхода осуществляется системная работа по созданию учебно-методического обеспечения системы развития информационных компетенций будущих специалистов путем совершенствования технологий развития информационных компетенций студентов, развития творческого мышления, креативности и информационных навыков.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира ведется научно-исследовательская работа по обновлению учебно-методического обеспечения развития информационной компетентности будущих кадров на основе международных требований, уточнению психолого-педагогических факторов развития информационной компетентности студентов. При этом уделяется внимание использованию современных образовательных технологий в создании учебно-методических ресурсов развития навыков получения информации, совершенствованию компетентности будущих учителей начальных классов на основе инновационного подхода, созданию педагогических условий и повышению качества и эффективности обучения.

В нашей стране созданы духовный облик, научный потенциал педагогических кадров, а также нормативные основы развития науки и инноваций и внедрения цифровых технологий в образование. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан приоритетными задачами определены “дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение доступности качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда”. В результате глобальные изменения, происходящие в настоящее время, расширили возможности подготовки педагогических кадров с широким и вдумчивым, информативным компетентностным мышлением.

Закон Республики Узбекистан “О государственной политике в области молодежи” от 14 сентября 2016 года, Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановление № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, Постановление № ПП-3907 от 13 августа 2018 года “О мерах по воспитанию духовно, морально и физически развитой молодежи, а также

о мерах по поднятию системы образования и профессиональной подготовки на качественно новый уровень”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. “Духовно-просветительское и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы.

Развитие информационной компетентности будущих учителей в нашей стране нашло свой отражение в научных исследованиях А. Абдукадирова, Р.Бокиева, У.Бегимкулова, С.С.Гуломова, Ф.М.Закировой, Н.А.Каюмовой, М.Х.Лутфиллаева, М.Э.Мамаражабова, Н.И.Тайлокова, Д.Тоштемирова, С.К.Турсунова, А.Хайитова, У.Юлдашева.

На разных этапах образовательного процесса академиком Р.Х.Джураевым, профессорами А.Р.Ходжабаевым, Н.Н.Азизходжаевой, У.И.Иноятовым, Н.А.Муслимовым, Х.Ф.Рашидовым, Ё.К.Толиповым, Ш.С.Шариповым, З.К.Исмаиловой, Қ.Т.Олимовым, М.Б.Уразовой, Ж.А.Хамидовым, Д.О.Химматалиевым, Б.А.Назаровым, Б.С.Нуридиновым проводились исследования по вопросам развития информационной компетентности педагогов.

Теоретико-методологические основы формирования информационной компетентности будущих педагогов нашли отражение в исследованиях учёных стран СНГ О.М.Бобиенко, Э.Ф.Зеера, И.А.Зимней, А.В.Козирёва, А.К.Марковой, М.Н.Певзнера, Н.Ф.Радионова, М.В.Рыжакова, З.Н.Сафина, А.П.Тряпицина, Б.И.Хасана, И.Д.Фрумина, А.В.Хуторской, С.Е.Шишова и др.

В зарубежных странах исследования по вопросам создания методического обеспечения развития информационной компетентности были проведены в работах французских педагогов-психологов психологов В.К. Atrostic, S.V. Nguyen, E. Brynjolfsson, A. McAfee, D.H. Autor, D. Dorn, C.V. Frey, M.A. Osborne, L.E. Varshavskii и других исследователей.

Связь диссертационной работы с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнено исследование. В рамках диссертационного исследования выполнен практический проект плана научно-исследовательской работы Ташкентского государственного педагогического университета “Создание комплекса мультимедийных учебных разработок по предметам для учителей начальных классов” (2015-2017 гг.).

Целью исследования является разработка предложений и рекомендаций по развитию информационной компетентности будущих учителей начальных классов.

Задачи исследования:

анализ педагогических, психологических возможностей развития информационной компетентности будущего учителя начальных классов;

анализ этапов развития информационной компетентности будущих учителей начальных классов;

совершенствование структурно-функциональной модели развития информационной компетентности будущих учителей начальных классов;

определение критериев, уровней, показателей развития информационной компетентности будущих учителей начальных классов.

Объектом исследования является процесс развития информационной компетентности будущих учителей начальных классов, в котором приняли участие 500 студентов Ташкентского педагогического государственного университета, Ферганского государственного университета, Джизакского государственного педагогического института по направлению “Начальное образование и спортивная воспитательная работа”.

Предметом исследования являются содержание, форма, методы и средства формирования информационной компетентности будущих учителей начальных классов.

Методы исследования. В исследовании использовался комплекс методов, направленных на обеспечение исследования в адекватном состоянии: теоретические (аналитико-синтетические, сравнительно-сопоставительные, аналогические), диагностические (анкетирование, тестирование, наблюдение, проективные методики), прогностические (экспертная оценка, обобщение независимых оценок), педагогический эксперимент и математические методы (статистическая обработка данных, графическое представление результатов и др.)

